



ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 66 (1665), 2026 йил 5 апрель, якшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



ЎЗБЕКИСТОН ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар! Аввало, сиз, азизларни — кўп миллатли геологлар, муҳандис ва мутахассислар, ишчи ва хизматчилар жамоасини кутлуг касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изхор этаман.

Ушбу қувончли айёмда сизларнинг мураккаб табиий шароитларда фидокорона меҳнат қилиб, янги-янги конлар, минерал хомашё манбаларини топиш, уларни мамлакатимиз раванқи, халқимиз фаровонлиги йўлида ишлатиш борасида улкан хизматларингизни яна бир бор миннатдорлик билан эътироф этаман.

Ана шундай сазой-ҳаракатларингиз туфайли юртимизда умумий баҳоси тахминан 3 триллион долларга тенг 2 минг 500 дан ортиқ кон ва 3 мингдан зиёд истиқболли майдонлар аниқлангани Ўзбекистон улкан қазилма бойликлари хомашё базасига эга эканидан далolat беради.

Кейинги йилларда ана шу захираларни ўзлаштириш ва шу асосда иқтисодиётимиз ривожига қудратли туртки бериш бўйича катта ишларни амалга ошироқдамиз. Жумладан, соҳага халқаро стандартлар жорий этилиб, инвестициявий жозибадорлик оширилмоқда, олтин, кумуш, мис, уран, углеводород конлари ва майдонлари хорижий сармоядорлар учун ҳам тақдим этилмоқда, солиқ ставкалари пайсантирилмоқда.

Шу боис, дунёдаги энг нуфузли компаниялар мамлакатимизга фаол инвестиция киритмоқда. Ҳозирги вақтда улар билан ҳамкорликда умумий қиймати 30 миллиард 700 миллион доллар бўлган 90 та лойиҳа амалга ошириляётгани диққатга сазовордир.

Бугунги кунга қадар 1 минг 458 та фойдали қазилма объекти онлайн аукцион орқали сотилди. Бунинг ҳисобидан давлат бюджетига 1 триллион сўмдан зиёд маблағ тушди, 100 мингга яқин юқори даромадли янги иш ўринлари яратилди.

Сўнги ўн йилда давлат бюджетидан 8 триллион 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани 2 мингга яқин техника ва технологияларни жорий этиш, геология-қидирув ускуналарини 70 фоиз янгилаш имконини берди.

Мамлакатимизда вертолёт ва дронлар ёрдамида аэрогеофизика ишлари йўлга қўйилгани, замонавий 3D ўлчамли сейсмик комплекс ишга туширилиб, ер қарини 9 километргача чуқурликда геофизик ўрганиш имконияти яратилгани соҳа ривожига янги давр бошланганидан далolat беради.

Соҳада рақобат ва шаффофлик муҳити шаклланимоқда. Узоқ йиллар давомида эътибордан четда қолган миллий геология мактаби ва таълим тизими қайта тикланди, замонавий талабларга мос бўлган Геология фанлари университети ташкил этилди. Илгор хорижий мактабларнинг илмий салоҳиятидан фойдаланиш ва инновацион технологияларни қўллаш мақсадида Компетенциялар маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Ана шундай кенг қўламли ишларимиз туфайли 2016-2025 йилларда 1 минг 900 дан зиёд янги конлар очилди. Агар 2016 йилда тасдиқланган уран захираларимиз 97 минг тоннага ташкил этган бўлса, ўтган даврда ана 16 та янги кон аниқланиб, захира 140 минг тоннага етказилди.

Яқинда Олмалиқда йилга 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга бўлган янги мис бойитиш фабрикасини

ишга туширдик. Ҳеч шубҳасиз, бунда ҳам сиз, захматқаш геологларнинг алоҳида хизматларингиз борлигини, ана шу мегалойиҳа натижасида 6 мингдан ортиқ юқори даромадли иш ўрни яратилгани, корхона ҳисобига йилга 5 миллиард доллар маблағ келиб тушшини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ҳурматли соҳа ходимлари!

Биз “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида геология соҳасини янада ривожлантириш бўйича ҳам келгуси вазибаларни аниқ белгилаб олдик. Юртимизнинг минерал хомашёга бой, истиқболли худудларини геологик жиҳатдан ўрганишни кенгайтириш, олтин ишлаб чиқаришни — 1,5 баробар, кумушни — 3 қарра, мисни — 3,5 марта, уран, темир ва кўмирни — 3 ҳисса оширишни мақсад қилганмиз.

Сиз, жонқуяр ва матонатли геологларнинг катта билим ва тажрибангиз, мустаҳкам ирода ва меҳнатсеварлик фазилатларингиз ҳисобидан бу юксак марраларга албатта эришамиз деб ишонаман.

Соҳа ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли фаолиятини муносиб рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Сизларни бугунги кутлуг айём билан яна бир бор чин дилдан кутлаб, барчангизга сихат-саломатлик, шарафли ишларингизда янги ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз геология соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, қазилма бойликлари геологияси, тадқиқот ва қидирув тармоғини ривожлантириш, стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал ресурсларни аниқлаш, янги конлар ва хомашё захираларини замонавий технологиялар асосида ўзлаштириш борасидаги катта хизматлари, юксак малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

**“Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган геолог”
фахрий унвони билан**

Муминов Толибжон Холиёрович — “Навоийуран” давлат корхонасининг “Зирабулок” геология-қидирув экспедицияси бош геологи

Эргашев Элмурод Хасанович — “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари — бош геологи

“Меҳнат шўхрати” ордени билан

Нуралиев Рахмонали Азимович — “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг Тошкент марказий геология-қидирув экспедицияси бургилаш участкаси бургиловчиси
Яллакабилов Гулом — “Ўзбекгидрогеология” давлат муассасасининг Марказий Ўзбекистон дала гидрогеология экспедицияси етакчи гидрогеологи

“Дўстлик” ордени билан

Богданов Александр Николаевич — Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтининг нефть ва газ конлари геологияси ҳамда истиқболли объекتلари баҳолаш лабораторияси бошлиғи
Шукуров Носир Эгамович — Ҳ.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 4 апрель

институтининг геокимё лабораторияси бошлиғи

“Шўхрат” медали билан

Арипов Шахобиддин Пахритдинович — Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазириликнинг Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси эксперти

Жўраев Шерали Изатиллоевич — “Навоийуран” давлат корхонасининг геология ва қидирув бўйича директори

Заиров Илхом Матазимович — “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамиятининг “Автомобиль ва техникалар транспорти” филиали оғир юк машинаси ҳайдовчиси

Сайитов Ҳамза Қаҳҳарович — “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг Самарқанд марказий геология-қидирув экспедицияси бульдозер машинисти

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БАРКАМОЛ ЁШЛАР ИШТИРОКИДА БУНЁД ЭТИЛАЁТИР

Мамлакатимизда ёшларга, хусусан уларнинг ўқиб-ўрганиши учун имкониятлар эшиги кенг очилган. Бунинг натижасида сўнги вақтларда илм-фанда халқаро даражадаги ютуқларни қўлга киритаётган йигит-қизлар сафи кенгайиб бормоқда. Жумладан, сурхондарёлик ёшлар бу бордада кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил февраль ойида Сурхондарё вилоятига ташрифи ёшларимиз учун қувонarli хабарларга бой бўлди. Ташриф чоғида Президентимиз “Янги Ўзбекистон” масивдаги 66-мактабда яратилган шарт-шароитлар, хусусан, ногиронлиги бўлган болалар учун ташкил этилган имкониятлар билан танишди. Сунъий интеллект, рақамлаштириш билан боғлиқ йўналишларнинг ёшлар ҳаёти ва келажаги учун нақадар муҳим эканига эътибор қаратилди. Сунъий интеллектга ўқитиш дастурлари мактаб таълимига жорий этилиши орқали меҳнат



Тараққиёт стратегияси амалда



бозорига келажақ касблари учун пухта ҳозирлик билан улғайиши зарур эканига ургу берилди. Ҳа, бугунги ёшлар сунъий интеллект имкониятларидан тўла фойдаланиб, уларни бошқариш даражасига

етиши зарур. Шу орқали олдимиздаги катта мурра — Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлаймиз. Бунинг учун яна бир қулай имконият ва ўзинга хос ёндашув эса ушбу масивдаги хорижий тиллар ва

ахборот технологиялари ўқув марказидир. Давлатимиз раҳбари ушбу ўқув маркази фаолиятини юқори баҳолади.

▶ Давоми 3-бетда



Муносабат



ЭКИЛГАН ҲАР БИР НИҲОЛДА ЭЗГУ НИЯТЛАР, ОРЗУ-УМИДЛАР МУЖАССАМ

Президентимиз Тошкентда Миллий дендрология боғини барпо этиш ишларига расман старт бериб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида иштирок этди.

Халқимиз азиздан Наврўз кунларида, оиласида фарзанд туғилганида томорқасига, майдон ва хиёбонларга, йўл четларига яхши ният билан кўчат қадагани, гулу райхонлар эканига алоҳида эътибор қаратилди. Бу гаплар мени ҳам руҳлантириб юборди. Чунки ҳар йили кўчат экамиз,

лекин парваришига келганида ҳар доим ҳам ҳафсала қилмаймиз. Натижада йўқотишлар кўп бўлади. Бундай иш тутумимиз ота-боболаримиздан мерос кўчат экиш ва парваришlash билан боғлиқ қадриятларга умуман мос эмаслигидан афсусландим.

▶ Давоми 3-бетда

Кун мавзуси

**Рақамли банк:
ҚУЛАЙ, ШАФФОФ ВА
ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИКЛРСИЗ**

Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти, жумладан, молия тизими ҳам жадал рақамлашиб бормоқда. Энди коммунал тўловлардан тортиб, турли харидларни ҳам уйдан чиқмай, онлайн амалга ошириш мумкин. Зеро, бу қулайликларни молиявий соҳадаги ислохотлар ҳосиласи дейиш мумкин.

Бинобарин, бугунги натижалар Ўзбекистон рақамли тўловларни жорий этиш боғицидан алақачон ўтиб бўлганини яққол намоён этади. Ҳозир савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақдсиз тўловлар улуши 66 фоизга етди. Келгусида ушбу

кўрсаткичи 75 фоизга етказиш режалаштирилгани давлат сиёсатининг изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилганини тасдиқлайди.

Энг муҳим жиҳатлардан яна бири тизимнинг техник ва институционал жиҳатдан тўлиқ тайёр эканидир.

▶ Давоми 4-бетда



Фаровонлик харитаси

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ХОНАДОНЛАРДАГИ ТЎКИНЛИКДА НАМОЁН

Инсоният тарихида озиқ-овқат хавфсизлиги ҳар доим фаровонлик ва тараққиётнинг бош мезони бўлиб келган. Чунки жамият барқарорлиги, аҳоли саломатлиги ва иқтисодий ўсиш, аввало, етарли ва сифатли озиқ-овқат таъминотига боғлиқ. Бугунги шиддатли глобаллашув, иқлим ўзгариши даврида эса озиқ-овқат маҳсулотлари оддий истеъмол товаридан кўра кенгрок ва чуқурроқ аҳамият касб этмоқда. У нафақат инсон ҳаёти учун зарур манба, балки давлатларнинг суверенитети, иқтисодий мустақиллиги ҳамда ижтимоий барқарорлигини таъминловчи стратегик “олтин захира”га айланган.

▶ Давоми 2-бетда

2026 йил 5 апрель, 66-сон

ЎЗБЕКИСТОН — РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ЮРТИ



Таҳлил



Хуррат ТЕШАБОВЕВ, инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари

2025 йил якунлари ушбу йўналишдаги ислохотларнинг амалий натижаларини яққол намоён этди. Хусусан, республика экспорти 2025 йили олтинсиз ҳисобда 23,9 миллиард долларни ташкил этиб, 2024 йилдагига нисбатан 122 фоиз ўсди.

Шу билан бирга, ушбу кўрсаткични 2030 йилгача ҳар йили ўртача 15 фоиздан барқарор ошириб бориш режалаштирилган. Бу эса миллий иқтисодиётнинг ташқи бозорлардаги иштирокини кенгайтириш, экспорт географиясини диверсификациялаш ва маҳаллий маҳсулотлар нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Экспорт фаолиятига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2025 йил якуни бўйича экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган имкониятларни кенг тарғиб қилиш натижасида 3055 та янги тадбиркорлик субъекти экспорт фаолиятига жалб этилиб, жами экспортчи корхоналар сони 7370 тага етказилди.

Белгиланган мақсадларга мувофиқ, 2030 йилга қадар экспортчилар сонини 15 мингтага етказиш режалаштирилган. Бу кўрсаткич тизимли равишда ўсиб, 2025 йилдаги 6500 тадан 2026 йилда 7700 тага, кейинги йилларда эса мос равишда 9100, 10,8 минг ва 12,8 мингтага етиши кўзда тутилган. Бу, энг аввало, кичик ва ўрта бизнес вакилларининг ташқи бозорларга чиқишини фаоллаштиришда муҳим омил бўлади.

Экспорт таркибидида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улушини ошириш устувор вазифалардан. 2025 йил якунларига кўра, ушбу маҳсулотлар улуши 52 фоизни, яъни 12,3 миллиард долларни ташкил этди.

Келгуси йилларда мазкур йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида

2026 йили тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улушини 55, 2027 йилда 58, 2028 йилда 62, 2029 йилда 66 ва 2030 йилга бориб, 70 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Бу эса мамлакатимизда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кенгайтириш, саноат тармоқларида чуқур қайта ишлаш жараёнларини жадаллаштириш ва экспорт самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Маҳаллий маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини оширишда сифат стандартлари жуда муҳим. Шу боис, 2025 йилда 1639 та маҳаллий экспортчи корхонада жами 3248 та ISO, Oeko-Tex, Global GAP, ORGANIC, SEDEX ва HALOL каби халқаро стандарт ва сертификатлар жорий қилинди.

Ушбу йўналишдаги ишлар янада кучайтирилиб, 2026 йилда халқаро стандартларни жорий қилган корхоналар сонини 3000 тага, 2027 йили 3500, 2028 йили 4000, 2029 йили

Албатта, эришилган натижалар билан чекланиб қолинмайди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган кўрсаткичлар ижросини таъминлаш мақсадида зарур қўллаб-қувватлов чоралари изчил давом эттирилади.

Экспорт салоҳиятини янада кучайтириш учун 2026-2030 йилларга мўлжалланган Миллий экспорт стратегияси ишлаб чиқилиб, стратегия доирасида амалий чора-тадбирлар кўрилади.

Стратегияда белгиланган 7 йўналиш ва 30 мақсадли индикатор ҳудудлар кесимида самарадорлини баҳолашнинг муҳим мезони, яъни KPI сифатида белгиланади. Шунингдек, “100 маҳсулот акселератор” дастури орқали 100 турдаги тайёр маҳсулот экспортини Африка, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё давлатларига сезиларли даражада ошириш режалаштирилган.



4500 ва 2030 йилга бориб, 5000 тага етказиш режалаштирилган.

Шунингдек, миллий брендларни халқаро майдонда тарғиб қилиш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда. Айни пайтда ташқи бозорларда рақобатлаша оладиган ва “Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастурига киритилган 27 корхона ўз савдо белгиси (брендига) эга.

2030 йилгача ушбу кўрсаткични янада ошириш мақсадида Савдони ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан халқаро кўрсаткичларда иштирок этиш, мутахассисларни ўқитиш, чет элдан савдо уйлари ва омборларни ижарга олиш, маҳсулотларни хорижда реклама қилиш, бизнес семинарларда қатнашиш каби йўналишларда молиявий кўмак кўрсатилади.

Бундан ташқари, Россия, Туркия ва Словакия тажрибаси асосида экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш, сугурталаш ва кафилик тақдим этишчи экспорт-импорт банки фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ҳам тақлифлар ишлаб чиқилди.

Умуман олганда, бутун кўлга киритилган натижалар ва келгуси йиллар учун белгиланган аниқ чора-тадбирлар 2030 йилга қадар экспортда барқарор ўсиш суръатини таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими, корхоналарни экспорт фаолиятига кенг жалб қилиш, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улушини ошириш, халқаро стандартларни кўпайтириш ҳамда миллий брендларни ташқи бозорларда фаол тарғиб этиш орқали мамлакатимиз экспорт салоҳияти янада юксалади.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Долзарб мавзу

Сўнгги пайтларда жамоат транспорти, кўча-кўйда қизлар ва аёлларга бўлаётган ноҳож муомала, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари борасида эшитяпмиз, ўқияпмиз. Муҳими, уларга нисбатан тезкорлик билан тегишли жазо чоралари кўриляпти.



ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ КЕЛАЖАК АВЛОД УЧУН БАРҚАРОР ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДИР

Ақсар юртдошларимиз фикрича, бундай шахсларга берилаётган жазо тури энгил, уларга қаттиқроқ жазо чоралари қўлланиши керак. Лекин бундай ҳолатларнинг олдини олишда нафақат жазо чораларини кучайтириш, балки оилавий муҳит, нурунийлар ва маҳалла фаоллари саноатчилик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Барчамиз биргаликда зўравонликка қарши муроасиз, оила институтини мустаҳкамлаш ва келажак авлод учун янада адолатли, хавфсиз муҳит яратишга ўз ҳиссамизни қўшишимиз шарт.

Президентимиз жорий йил 3 март кунини аёллар ва болалар ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш, уларга нисбатан таъзияк ва зўравонликнинг олдини олиш юзасидан тақлифлар ҳамда янги ташаббуслар билан танишди. Қайд этиш керак, мамлакатимизда эрта никоҳ, эрта ёшдаги туғуруқ ҳамда аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш масалаларига оила институтини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом ижтимоий муҳитни шакллантиришнинг муҳим йўналиши сифатида қаралмоқда. Ушбу масалалар энг юқори даражада бир неча бор муҳокама қилиниб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда қўқун мутасадди идоралар олдида аниқ вазифалар қўйилган. Уларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида идоралардан кенгаш ташкил этилган ва қисқа муддатларда амалий тақлифларни ишлаб чиқиш топширилган эди.

Тақдиротда кенг жамоатчилик, соҳа экспертлари тақлифлари ва энг илгор халқаро тажриба асосида мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тайёрланган ташаббуслар кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган масалалардан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбарининг “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъзияк ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ҳамда халқимизга Мурожаатномаси,

шунингдек, қатор юксак форум ва тадбирларда илгари сурган ташаббуслари ҳужжатнинг асосий мақсадларига сингдирилганини кўриш мумкин.

Хусусан, эрта никоҳларнинг олдини олишга эришиш, ота-оналарнинг ўз вояга етмаган фарзандлари учун масъулиятини янада ошириш, оила қуришга ҳар томонлама тайёр бўлган ёшлар ўртасида никоҳ тузишни рағбатлантириш, аёллар ва болаларга нисбатан таъзияк ва зўравонлик ҳолатларини кескин қисқартириш, никоҳланувчиларни маҳсул курсларда бепул ўқитиш билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга етказиш ҳужжатнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Фармонда қатор баҳсли масалаларга ҳам ҳуқуқий жиҳатдан нуқта қўйилган. Жамоатчилик ташаббуси ва халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида никоҳ ёшлари кайтагиришнинг аниқ асосларини белгилаш, никоҳ шартномаси тузилишини рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилмоқда.

2027 йилдан бошлаб ҳар иккала тараф камиди 21 ёшга тўлган биринчи мартаба никоҳ тузган ёш оилалар учун давлат томонидан қўшимча имтиёз ва қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этилади. Ушбу оилаларга субсидия, сўда, грантлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорлардан 1,5 баравар оширилган ҳолда берилади, никоҳ шартномасини тузган никоҳланувчилар никоҳни қайд этиш учун белгиланган давлат божидан озод этилади.

Бугун давлатимиз раҳбарининг “Қизларни ўқитинлар”, “Қизларимиз билимли бўлса, жамият маърифатли бўлади”, деган сўзлари доимий давлатга айланган. Шу маънода, фармоннинг ушбу банди минглаб оила-сингилларимизни хурсанд қилиши бор гап. Хусусан, 2026-2027 ўқув йилидан бошлаб курсдан курсга қолган ёш оилалар савфидан чиқаришнинг шартлари, истисно тартиқлари, фанлар фарқини қайта ўзлаштириш шартлари билан таълимни давом эттириш имкони яратилди. Талабалар фанлар фарқини мустақил ўзлаштириш учун қўшимча муддат берилади.

Бу энгилликлар ҳомилдор талаба қизларга ёки 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан шугулланувчи талабаларга олий таълим олиш учун “иккинчи имконият” саналади.

Ҳужжат талабаларига мувофиқ, вояга етмаган шахслар билан никоҳ тузишга давлат этганлик ва уни тарғиб қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланади. Шунингдек, 2026 йил 1 сентябрдан никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчилик ёки никоҳ тузиш тартибини бузишга оид ҳуқуқбузарликлар учун ундирилган жарима суммасининг 15 фоизи бундай ҳолат ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳат. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳамда ФХДЭ органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда диний идора вакиллари эрта никоҳ ва 16 ёшгача бўлган ҳомилдорлик билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида ички ишлар органлари ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига хабар бериш мажбурияти оқлатилади. Айни мақсадда жорий йил якунига қадар Ички ишлар вазирлигининг электрон тизимида бундай ҳолатлар тўғрисида хабар бериш имконини беришни “O’smir-signal” модули ишлаб чиқилди.

2026 йил 1 ноябрдан бошлаб Жиноят кодексининг қатор моддаларида назарда тутилган жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов фақат прокуратура органлари томонидан амалга оширилади. Жиноят кодексига вояга етмаганларга нисбатан жинсий эркинликка қарши жиноятлар учун муқаддам судланган шахсларни жиноятни қайта содир этганда умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилашга оид ўзгаришлар киритилди.

Фармон билан аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъзияк ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хусусий ва биргаликдаги вазифалари белгилаб берилди.

Бир сўз билан айтганда, фармон янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ва келажак авлод учун хавфсиз ҳамда барқарор жамият барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири. Энг асосийси, халқимизнинг аёлларга хурмат-эҳтирми, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қатъий интилиши ифодасидир.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, глобал бозорлардаги бекарорлик, логистика занжирларидаги узлишлар ва юзага келаётган табиий офатлар озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини янада долзарблаштирмоқда. Халқаро статистика платформалари маълумотига кўра, бугун 53 давлатдаги 295 миллиондан ортиқ киши очликдан ва озиқ-овқат танқисидан азият чекмоқда. Шу билан бирга, 2025 йилда жаҳон озиқ-овқат нархлари индекси 4,3 фоиз ошгани қайд этилди. Айниқса, гўшт ва сут маҳсулотлари нархида барқарор ўсиш тенденцияси кузатишмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш харажати ошиши билан бирга дунё миқёсида талабнинг кескин кўпайиши билан ҳам боғлиқ.

Жаҳон банки маълумотларига қараганда, дунё аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига талаби ҳар ўн йилда ўртача 15-20 фоиз ошиб бормоқда. Аҳоли кўпайиши, даромад ўсиши ва оқватланган маданияти ўзгариши натижасида озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж тораб ормоқда. Бу эса чорвачилик, паррандачилик ва баллиқчилик тармоқларини жадал ривожлантиришни тақозо этипти. Шу нуқтан назардан, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи нафақат иқтисодий, балки стратегик аҳамият касб этади. Ўзбекистон шароитида ҳам бундан бир неча йил олдин бозорларимизда гўшт, сут, баллиқ, туҳум каби асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, цитрус мевалар танқислиги одатий ҳол эди. Истеъмол бозоридида бундай тақчиллик аҳоли эҳтиёжини тўлиқ қондиришга тўсқинлик қилади.

Бирок сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тизимли ислохотлар, ишлаб чиқариш ҳажми оширилиши, кластер ва кооперация тизими жорий этилиши натижасида вазият тубдан ўзгарди. Бугун мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ички эҳтиёжни қондириш баробарида экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Замонавий гипермаркетлар расталаридан тортиб, энг чекка қишлоқ бозорларига-ча турли гўшт ва сут маҳсулотлари, баллиқ, мева-сабзавотлар билан тўлиб-тошганини кўриш мумкин. Илгари фақат байрамларда топиладиган маҳсулотлар энди қундалик истеъмолнинг ажралмас қисмига айланди. Бирок бу фақат визуал тўқинлик эмас, балки мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ХОНАДОНЛАРДАГИ ТЎКИНЛИКДА НАМОЁН

таъминлаш борасидаги изчил ислохотларнинг амалий натижасидир. Бугун биз озиқ-овқат таъминотида аввалгидек оддий қоринғами билан яшаш эмас, балки сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат истеъмол қилиш босқичига ўтдик. Айнан мана шу ўтиш даври ва эришилган натижалар ортда давлатимизнинг стратегик сиёсати турибди.

Атраф соҳа тармоқларини ривожлантириш орқали асосий озиқ-овқат товарлари — гўшт, туҳум, сут, асал, баллиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажми оширилади. Нархлар барқарорлиги таъминланади. Бу йўналишда маҳаллий ва ташқи бозорни арзон ҳамда сифатли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда Самарқанд мамлакатимизда етакчи ўринларда қайд этилади. Вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам микдор, ҳам сифат жиҳатдан мунтазам ошириб боришга қаратилган тизимли ишлар барқарорлиги таъминланади. Хусусан, озиқ-овқат таъминоти барқарорлигини таъминлаш, аҳоли эҳтиёжини тўлиқ қондириш ва экспорт салоҳиятини ошириш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифалар ижроси доирасида тегишли тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун вилоятда 1729 та чорвачилик фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Шундан 752 таси қорамолчиликка ихтисослашган. Уларда 137 минг бош қорамол парвариланмоқда. Бундан ташқари, 223 та хўжаликда 434,3 минг бош қўй, йилқичилик 8500 бош йилқиб боқилмоқда. Қолаверса, 211 та паррандачилик хўжалигида 6,3 миллион бош парранда, 19 та қўнчилик хўжалигида 9000 бош қўён парвариланмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, вилоятдаги барча тоифали хўжалиқларда чорвачилик соҳаси барқарор ва изчил ўсиш суръатини намоён этди. Жумладан, гўшт етиштириш ҳажми 332,8 минг тоннани ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 102,2 фоиз ошган. Сут тайёрлаш ҳажми 1 миллион 468,3 минг

Фаровонлик харитаси



тоннага етказилди, 100,8 фоиз ўсиш таъминланган. Шунингдек, паррандачилик тармоғида ҳам салмоқли ютуқларга эришилган — 1 миллиард 399,6 миллион донга туҳум етиштирилиб, ўсиш суръати олдинги йилга нисбатан 106,1 фоизни ташкил этди.

Чорвачилик ҳозир шунчаки қишлоқ хўжалиги тармоғи эмас, балки замонавий технологиялар жорий этилган, юқори даромад келтирувчи, экспорт салоҳияти ортиб, юзлаб янги иш ўринлари очилаётган стратегик индустрияга айланди. Соҳада инвестициявий жозибадорлик ормоқда, ишлаб чиқариш самарадорлиги эса янги босқичга кўтарилмоқда. Вилоятда ҳам тегишли дастурлар доирасида чорвачиликни жадал ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 400 миллиард 897 миллион сўмлик 85 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бу эса

сифатини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Ишлаб чиқариш кўламининг аҳоли эҳтиёжи ва истеъмолдан юқори бўлиши нархлар барқарорлигини таъминлайди. Бу борада вилоятда муайян кўрсаткичлар мавжуд. Масалан, бир йиллик гўштга талаб 187 минг тоннани ташкил этса, амалда 225 минг тонна гўшт етиштирилмоқда. Бу эса эҳтиёжнинг 124 фоиз қопланаётганини аниқлатади. Ортиқча маҳсулот бошқа вилоятларга етказиб берилиб, ички бозор барқарорлиги билан бирга ҳудудлараро ҳамкорлик ҳам таъминланмоқда. Туҳум етиштиришда ҳам ижобий кўрсаткичларга эришилган. Вилоят аҳолисининг йиллик эҳтиёжи 906 миллион донани ташкил этади. Амалда 1,5 миллиард донга туҳум олинмоқда. Натижада истеъмол талаби 162 фоиз бажарилиб, бу маҳсулот бўйича ҳам ортиқча захира шаклланимоқда. Шу билан бирга, айрим йўналишларда ишлаб чиқариш ҳажми эҳтиёждан камлигича қолмоқда. Жумладан, аҳолининг баллиқ маҳсулотларига талаби қарийб 31 минг тоннани ташкил этади. Бироқ ҳозир 20 минг тонна, яъни 65 фоиз миқдорда баллиқ етиштирилмоқда. Бу ҳолат асосан сув ресурслари билан боғлиқ чекловлар ҳамда бошқа объектив ва субъектив омилларга боғлиқ. Ҳудди шундай ҳолат асаларилик соҳасида ҳам кузатилади. Вилоят бўйича асалга йиллик эҳтиёж 6500 тонна ташкил этади. Айни пайтда 3000 тонна атрофида маҳсулот олинмоқда. Демак, ушбу йўналишларда қўшимча имкониятлардан самарали фойдаланиш, инвестицияларни жалб қилиш ва замонавий технологияларни жорий этиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

— Бир пайтлар қил чилласида бозорлардаги нарх-наво, айниқса, витаминга бой маҳсулотлар харид қилиш оилавий бюджет учун жиддий синовга айланарди, — дейди дастурдоромлик Бобоназар Қозоқов. — Бозордан бир килограмм лимон ёки шунча апельсин

сотиб олиш нафақат муаммо, балки ҳамён учун анчагина оғирлик қиладиган ҳашам эди. Уша пайтлари бу каби мевалар доналаб сотиб олингани, товуқ гўшти ва баллиқ эса фақат байрам дастурхонларини безайдиган ноёб маҳсулот бўлгани сир эмас. Бугун эса шароит бутунлай ўзгарган: нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқ дўконларида ҳам сархил мевалар, парҳезоп товуқ гўшти, баллиқ ва туҳум каби маҳсулотлар пештахталарни тўлдириб турибди. Бу бозорларимизда нафақат мўл-қўнчилик, балки танлов имконияти кенгайганидан, аҳоли дастурхони янада бойиганидан далолат беради.

Албатта, бу ютуқлар тасодиф эмас. Улар замирида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга қаратилган аниқ стратегия ва тизимли ислохотлар самараси мужассам. Муҳими, ушбу натижалар рақамларда эмас, балки ҳар бир хонадон дастурхонидидаги барака ва халқимизнинг эртани кунга ишончида намоён бўлмоқда.

Шухрат НОРМУРДОВ, журналист



Тараққиёт стратегияси амалда



Янги Ўзбекистон баркамол ёшлар иштирокида бунёд этилаётир



Сарвар Тўраев, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Таъкидлаш керак, ушбу ўқув маркази 6,5 миллиард сўм ҳисобига барпо этилган. Унда йилга 2 мингдан ортиқ ёшга таълим олиш ва лойиҳалар устида ишлаш имконига эга. Бу ерда 200 нафарга яқин ўқувчи компьютер савдончилиги ва “front-end” йўналишларини муваффақиятли яқунлаб, сертификат олган. 150 нафарга яқин ўқувчи IELTS имтиҳонларида B2 ва ундан юқори натижаларни қайд этган. Ана шундай ютуқлар сабаб ушбу таъриба оммалаштирилмаган бўлди.

Ўтган даврда Сурхондарё вилоятда ҳам бу борада салмоқли ишлар бажарилди. Жумладан, рақамли инфратузилмани ривожлантириш мақсадида 2025 йилда 2500 минг километрга оптик толали алоқа тармоғи тортилиб, умумий узунлиги 23,4 минг километрга етказилди. Шунингдек, вилоятда жами 1014 та таянч станция ўрнатилди ва модернизация қилинди. Мобил интернет қамрови 2017 йилда 50 фоиз атрофида эди. Бу кўрсаткич 2024 йилда 96 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йил якунида 99,3 фоизга етказилди.

Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида қувонarli натижаларга эришилди. Хусусан, 2025 йилда вилоят бўйича жами 989 мингдан ортиқ ариза қабул қилинди. Шундан 323,6 мингтаси Давлат хизматлари марказлари орқали, 666,2 мингтаси эса Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилган. Шунинг ўзига рақамлаштириш халқимиз ҳаётида қанчалик муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Сурхондарёда Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланувчилар сони эса 811,2 минг нафарга етди. Биргина 2025 йилнинг январь-ноябрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кўрсатилган хизматлар сезиларли даражада ошди. Жумладан, компьютер дастурлаш соҳасидаги хизматлар қиймати 247 миллиард сўмга тенг бўлди, — дейди Рақамли технологиялар вазирлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий шўбаси бош мутахассиси Умар Хушвақтов.

Президентимиз раислигида 2025 йил 21 октябрь кунини давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш масаласи юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Унда белгиланган вазифалар ижроси сунъий интеллект технологияларини жорий қилишни янги bosқичга олиб чиқади. 2030 йилда сунъий интеллектга асосланган хизматлар ҳажмини 1,5 миллиард долларга етказиш режа қилинган. Бироқ хорижий экспертлар Ўзбекистон салоҳиятини 10 миллиард долларга баҳолаган. Ҳозир дунёда сунъий интеллект иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳавфсизлик каби барча муҳим соҳаларнинг таянчидир. Шу боис, мамлакатимизда давлат бошқаруви органлари ходимлари ва хизматчиларини сунъий интеллект йўналишида ўқитиш тизими ташкил этиляпти.

Президентимизнинг 2025 йил 17 январдаги қарорига асосан амалга оширилаётган “Рақамлаштириш орқали фаровонлик сари дастури” доирасида кам таъминланган оила-ларнинг 2376 фарзанди масофавий тахсил олади. Улар тўрт йўналиш бўйича онлайн



платформаларида бепул ўқитилиб, тегишли сертификат берилади.

— 2025 йилда 218 ёш ва давлат хизматчилари ахборот технологиялари соҳасидаги профессионал ўқув курсларида тахсил олиб,



халқаро сертификатга эга бўлди. Шунингдек, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида “Coursera” таълим платформасидаги бепул ўқув курсларида 32 минг 471 ёш ўқитилди, — дейди АТ паркинги Сурхондарё вилояти филиали бошлиғи Жаъфар Ҳайитов. — Шунингдек, “Бир маҳаллада етти дастурчи” лойиҳаси доирасида 669 ёш немиш ва бошқа хорижий тиллардан B2 даражадаги, 3269 нафар йигит-қиз эса инглиз тили бўйича C1 ва B2 даражадаги халқаро сертификатларни қўлга киритди.

Термиз шаҳридаги АТ паркида замонавий меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб 7 устувор йўналиш бўйича ўқув курслари ташкил этилган. Уларда ёшлар рақамли технологиялар соҳаси бўйича касбий кўникмаларини мустаҳкамлаб, малакали мутахассис бўлиб чиқади. Парқда учта масофавий хизмат кўрсатиш маркази ҳам ташкил этилган. Уларда 100 дан зиёд ёшлар замонавий рақамли технологиялар асосида фаолият юритиб, юқори даромадли ва барқарор иш ўринлари билан таъминланади.

— Марказимиз call center йўналиши бўйича фаолият юритади. Мамлакатимиз ва Россияга аутсорсинг хизматларини кўрсатади. 2025 йилда сурхондарёлик 700 га яқин кишини иш билан таъминлади. Ҳозир ҳам янги ходимлар учун очик иш ўринлари мавжуд, — дейди “IT call” МЧЖ вилоят филиали директори Комрон Зайниддинов. — Ҳозир турли лойиҳалар бўйича ходимларни ишга қабул қиляпмиз. Марказимиз чет тилларни биладиган, компьютерда ишлаш бўйича базавий билимга эга мутахассисларни ҳам тайёрлайди.

Соҳада иш ўринларини очишга жиддий эътибор бериляпти. Хусусан, “Unicon-Soft” МЧЖ Сурхондарё филиали жорий йилда кўшимча иш ўринларини ташкил этишни мақсад қилган. Эътиборлиси, ушбу МЧЖ рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва электрон ҳукумат йўналиши бўйича дастурий маҳсулотларни жорий этиш, тизимлардан фойдаланишни ўргатиш фаолияти билан шуғулланади.

Кейинги йилларда ёшлар орасида дастурчилик, веб-дизайнерлик, компютер технологияси ва АТ соҳасига қизиқувчилар кўпайиб борапти. Бу бир томондан, илгор ахборот технологияларининг ҳаётимизга

жадал кириб келгани билан боғлиқ бўлса, бошқа жиҳатдан, мамлакатимизда барча соҳада рақамлаштириш жараёни кескин фаоллашишига бориб тақалади. Ўз-ўзидан шундай соҳалар бўйича ўқитиш тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳозир инноватор, дастурчи, ихтирочи йигит-қизлар сафи ҳам кенгаймоқда. Улар яратган замонавий қурилма, лойиҳалар ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, халқро бозордан жой оляпти. Ҳа, соҳадаги ислотлар ушбу йўналишдаги фаолиятни мутлақо янги bosқичга олиб чиқди. Рақамли хизматлар сифатини ошириб, инновацион ечимларни жорий этиш ва АТ хизматлари экспорти ҳажмини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Мактабгача таълимдан — олий таълимгача

Сурхондарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси маълумотига кўра, ҳудудда 972 та умумтаълим мактаби, 16 та “Баркамол авлод” болалар мактаби ва 17 та ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернат ҳамда 487 та давлат мактабгача таълим ташкилоти мавжуд. Кейинги йилларда мактабгача таълим қамровини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Янги давлатга тегишли ва хусусий босқалар иш бошлади. Мавжудлари замонавий стандартлар асосида жиҳозланди. Соҳанинг барча ҳудудда бирдек ривож топиши яқини натижа берапти. Хусусан, воҳанинг марказдан олис қишлоқларида ҳам болаларни мактабга тайёрлаш масаласи кун тартибидан ташқабди. Бу таълимнинг илк bosқичиданоқ тенг имкониятлар яратишга хизмат қилаётир.

— 2025 йил якунига кўра, вилоятда мактабгача таълимга қамров 70,9 фоизга етди. Бунинг учун маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан 4 та, инвестиция дастури доирасида 8 та янги боғча қурилди ҳамда 19 та МТМ реконструкция қилинди. Натижада 1845 та ўрин очилди. Бундан ташқари, 145 та оилавий боғча, давлат-хусусий шериклик асосидаги 7 та МТТ, 171 та мажбурий бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳлари ташкил этилиши туфайли 13 минг 500 та ўрин очилди. Шунингдек, “Ақлвий” лойиҳаси доирасида 11 та автобус базасида 69 та гуруҳ шакллантирилди. Уларга 1104 бола қамраб олинган, — дейди Сурхондарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жасур Мирзақулов.

Қатор мактаблар капитал таъмирдан чиқарилди. Янги бинолар фойдаланишга топширилди. Айниқса, таълим сифатини ошириш масаласига катта эътибор қаратилди. Ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиб, электрон журнал ва қўндаликлар амалиётга кенг татбиқ этилди. Ҳозир вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларида 565 минг 563 ўқувчи билим оляпти.

Таълим сифатини яхшилаш мақсадида малака ошириш, қайта тайёрлаш дастурлари ва илгор таърибаларни оммалаштириш ишларига ҳам жиддий эътибор берилади. Педагоглар меҳнатини қадрлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинди. Бунинг ўқитиш сифати таъсир кўрсатаётган муҳим омил сифатида баҳолаш мумкин. Йиллар давомида касб-хунар таълими тизими меҳнат бозори талабига мослаштирилди. Ёшларни иш билан таъминлаш, муайян касбга йўналтириш мақсадида амалиётга асосланган таълим қўчайтирилди.

— 2025-2026 ўқув йилидан бошлаб, вилоятимизда 4 та ишчи ва 4 та ахборот технологиялари йўналишида касб-хунар ўргатиш йўлга қўйилди. Шу мақсадда касбий таълим устаси вазифаси таъсис этилди. Муҳими, касб-хунар ўргатиш амалиёти йўлга қўйилган 30 та мактаб зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди, — дейди Сурхондарё вилояти касбий таълим бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Қурбонов.

Олий таълим соҳасида янги марралар сари қадам ташланди. Хусусан, вилоятда янги ОТМлар ва таълим йўналишлари очилди, халқаро ҳамкорлик кўлами кенгайди. Илмий фаолият, стартап лойиҳалар ва инновацион ташаббуслар қўллаб-қувватланди. Бундай йанги-ланишлар ёшларнинг рақобатбардош мутахассис сифатида шаклланишига хизмат қилапти. Сўнгги йилда мактаб биттуручиларининг олий таълимга қабул қилиниш кўрсаткичи 3,1 фоиз ошиб, 38,7 фоизга етди.

Ҳамкорлик хорижий тилларни ўқитишда самара бермоқда

Тил шунчаки мулоқот воситаси эмас. Илмий янгиликларни текзор ва пухта ўзлаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, янги Ўзбекистонда таълимнинг энг қўйи бўғинидан бошлаб барча bosқичда тил ўргатишга жиддий эътибор бериляпти. Қолаверса, Президентимизнинг 2024 йил 4 апрелдаги “Меҳнат миграцияси жараёни-ларини тақомиллаштириш ҳамда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларни қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида ёшларга хорижий тилларни сифатли ўргатишда таълим ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган.

— Вилоятимиздаги университетлар ва мактаблар ўртасидаги ҳамкорлик илмий-методик билимлар ҳамда амалиёт билан мустаҳкамланяпти. Натижада ўқувчиларнинг тил билиш кўникмасини халқаро стандартлар даражасига етказиш оsonлашяпти. Ҳозир профессор ва доцентларнинг мактаб ўқитувчилари учун махсус малака ошириш курсларини очяпти. Курсларда фаннинг янги йўналишлари, замонавий педагогик технологиялар, рақамли таълим воситалари ва STEAM ёндашуви асослари бўйича амалий машғулотлар ўтказилади. Бундай курслар мактаб ўқитувчиларининг касбий салоҳиятини ошириш, таълим жараёнига илгор инновацияларни татбиқ этиш ва ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилади, — дейди Термиз давлат педагогика институти ўқитувчиси Меҳриноз Сайдуллаева. — Ҳорижий тилларни самарали ўқитишда халқаро таърибадан фойдаланиш муҳим стратегик вазифа. Бу борада Финляндия таълим модели энг самарали намуна деб қўрилмоқда. Мазкур давлатда 1-3-синф ўқувчиларининг 92 фоизи чет тилини (ассосан инглиз тилини) ўргана бошлади. Эътиборлиси, 7-синфда уларнинг 99 фоизи камида иккита хорижий тилни ўзлаштиради.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ўтказган таҳлилларга кўра, Финляндия ўқувчиларининг тил ўрганишга рағбати 78 фоиз. Ўзбекистонда бу кўрсаткич ҳозирча 52-55 фоиз атрофида деб баҳоланмоқда. Фин таълим тизимида ўқув вақтининг тахминан 30 фоизи коммуникатив вазифаларга, амалий мулоқот, жамоада ишлаш ва реал сценарийларда тил қўллагани йўналтирилган. Замонавий методлар чет тилини ўқитишда нафақат текзор, балки ҳолатта мос, индивидуал ёндашуви таъминлайди. Улар орқали ўқувчи тилни фақат грамматика даражасида эмас, балки мулоқот воситаси сифатида қўллайди. Ўзлаштирган билими амалиётда саноатдан ўтказди. Халқаро тилларда мустақил фикрлай олади. Мазкур жараёнда университет ва мактаб ҳамкорлиги муҳим ўрин тутяпти.



Бунёд Абдуллаев, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Энди юртимизнинг ҳар бир ҳудудда ботаника боғлари ва миллий дендрология боғи барпо этилиши мана шу бўшлиқни тўлдиряпти. Янги “Илм — лойиҳа — амалиёт” занжирини юзага келлади. 108 гектар майдонда барпо этилаётган ин-витро лабораторияси.

Экилган ҳар бир ниҳолда эзгу ниятлар, орзу-умидлар мужассам

Муносабат

Доривор ўсимликлар ҳамда Уруғчилик ва селекция марказлари ишга туширилади. Боғда жами 50 минг туп даррахт ва 100 минг туп бута экилиши режалаштирилган. Мажмуада “Дунё даррахтлари” худуди, 6 хил иқлим минтақасига хос коллекциялар, 1 гектарли сунъий кўл ва сакура боғи барпо этилади. Боғ шаҳар микроклиминини яхшилаб, ҳаво ҳароратини 2-4 даража пасайтириш ҳамда намликни 10-15 фоиз оширишга хизмат қилади. Қисқаси, боғда экилган ҳар бир кўчатнинг энди эгаси, масъули бор. Беш йилдан буюн Президентимизнинг эзгу ташаббуси билан “Яшил макон” умум-миллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп кўчат экиб келинмоқда. Беш йил олдин экилган кўчат бүгун даррахтга айланди. Улар атроф-муҳит мусафоллигини таъминлаш баробарида турли наботот ва ҳайвонот олами учун ошёнга айланди.



Ҳар баҳор юртимизга миллионлаб қўш учиб келади. Эътибор берган бўлсангиз, бу йил қўшлар ҳар қачонгидан ҳам кўп учиб келмоқда. Ахир улар ҳам тирик жон, тинч ва беҳавотир жой қидириши табиий, албатта. Миллионлаб қўшни бағрига олган даррахт-зорларда ҳаёт қайнайдми. Табиий мувозанат пайдо бўлади. Мамлакатимизда саноат корхоналари сони ортиши ҳисобига атроф-муҳитга салбий таъсир ва ташланмалар микдори ҳам кўпайиб, долзарб муаммага айланганди. Ушбу вазиятни жиловлан ва экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қатор янги чора-тадбирлар ва рағбатлантириш тизимлари жорий этилмоқда. Юртдошларимизнинг ҳам атроф-муҳитга муносабати анча ўзгарди. Ҳар бир фуқаро ўзини табиат ҳимоячиси сифатида ҳис қила бошлади. Кўча-кўйда

атроф-муҳитга беписанд муносабатда бўлган одам борки, ким бўлишидан қатъи назар, жамоатчиликнинг норозилиги ва босими остида қолади. Бугун ҳудудларда маҳалла раислари, отахон ва онахонларимиз, хотин-қизлар вакиллари, барча фаоллар жойларда миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимизни янада кенроқ тарғиб қилиб, маҳалла аҳолисини ҳамжихатлик ва аҳиллик руҳида мана шундай эзгу ишларга чорлаб, ҳар бир кўча, хонадон, йўл бўйларига ниҳол ва гуллар, қир-адирларга даррахт ва буталар экиш ишларига бош бўлмоқда. Миллий дендрология боғини барпо этиш лойиҳасига ҳамоҳанг равишда биргина ўша куннинг ўзида ҳудудларда 21 мингга яқин юртдошимиз 164 гектар майдонда 88 минг туп кўчат ўтказди.



Кун мавзуси

Рақамли банк:

ҚУЛАЙ, ШАФФОФ ВА ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИКЛАРСИЗ

Бошланиши 1-бетда

2026 йил 1 март ҳолатига кўра, мамлакат бўйича 433,3 мингта ПОС терминал, 42,3 мингта банкомат ва инфокиоск, 7061 та нақд пул қабул қилувчи қурилма ҳамда 70,5 миллиондан ортиқ банк картаси мавжуд. Бу кўрсаткичлар нафақат йирик шаҳарларда, балки ҳудудларда ҳам рақамли тўловлар учун зарур инфратузилма тўлиқ шаклланишини кўрсатади.

Шу билан бирга, банк тизими фақат техник жиҳатдан эмас, балки операция ва хизмат кўрсатиш нуқтаи назаридан ҳам янги талаблар даражасига мослашди. Реал вақт режимидаги тўловлар тизими, мобил банк хизматларининг асосий каналга айланиши ва финтех ечимларининг кенг жорий этилиши банк секторининг рақамли платформага айланишини кўрсатади. Бугун молиявий хизматлар фақат банк биноси билан чекланмай, фуқароларнинг кундалик ҳаётига ҳам чуқур кириб борган.

Статистика кўрсаткичлар ва жараённинг амалий натижаларини тасдиқлайди. 2025 йил якунларига кўра, тўлов терминаллари орқали амалга оширилган операциялар ҳажми 460,3 триллион сўмини ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан 1,4 баробар ошди. Банк карталари сони эса 68,2 миллионга етиб, йил давомида 10 фоиз ўсди. Бу эса аҳолининг рақамли тўлов воситаларига ишончи тобора ортиб бораётганини аниқлатади.

Биргина Тошкент шаҳрида жамоат транспортида нақд пул орқали ҳисоб-китоблар бекор қилиниши қисқа муддатда катта натижа берди. 2025 йилда транспорт тизими орқали 692 миллион транзакция амалга оширилган. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 36 фоиз кўпдир. Йўловчилар сони 206 миллионга етиб, 31 фоиз ўсди. Тушум эса 644 миллиард сўмини ташкил этиб, 16 фоиз кўпайган. Бу рақамлар рақамли тўловларга ўтиш аҳолининг табиий ва тез мослашуви билан кечаётганини кўрсатади.

Коммунал хизматлар соҳасида ҳам сезиларли ижобий натижаларга эришилди. 2025 йилда газ ва электр энергияси учун тушумлар 23,5 триллион сўмини ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан 42,7 фоиз ошди. Бу эса рақамли тўловлар тизими ҳисоб-китобларнинг тўлиқлиги ва молиявий интизомини таъминлаётганини яққол намоён этади.

Молиявий хавфсизликнинг янги стандарти

Президентимизнинг "Нақдсиз ҳисоб-китобларни омаллаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига асосан жорий йил 1 апрелдан давлат хизматлари, коммунал тўловлар, ёнилги, айрим товар ва хизматлар ҳамда йирик қийматдаги битимлар бўйича ҳисоб-китоблар нақдсиз шаклга ўтказилди. Юқорида таъкидлаганимиз — рақамлаштиришнинг

мантқий давомидир. Ушбу фармон ижроси орқали нафақат иқтисодий жараёнларнинг шаффофлиги ошади, балки фуқаролар манфаати янада ишончли ҳимоя қилинади. Айнаник, кўчмас мулк ва транспорт воситалари олди-сотдисидида жорий этилаётган эскроу тизими молиявий хавфсизликнинг янги стандартини белгилайди. Ушбу механизм орқали маблағлар банкда сақланади ва битим фақат ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлангандан кейин яқунланади. Бу эса фирибгарлик ҳолатларини камайтириш, томонлар ўртасида ишончли мустаҳкамлаш ва иқтисодий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Халқаро тажриба ҳам айнан шу йўлнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Ривожланган давлатларда нақдсиз тўловлар устувор ва кўплаб мамлакатларда йирик тўловлар фақат рақамли шаклда амалга оширилади. Тадқиқотлар бундай тизим яширин иқтисодиётни сезиларли даражада қисқартириши ва иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашини кўрсатади.

Бугун Ўзбекистон ушбу йўналишда глобал тенденциялар билан ҳамнафас ҳаракат қилиш бораберида минтақада илгор тажриба намунасини ҳам шакллантирмоқда. Энг муҳими, яратилаётган тизим марказида ишонч манфаатлари турибди. Фуқарога қулай, тезкор ва хавфсиз хизмат кўрсатиш барча ислохотларнинг асосий мақсадидир.

Халқаро тажриба

Европанинг саккиз мамлакат маълумотлари асосида "Яширин иқтисодиётнинг рақамли тўловлар орқали қисқартириш"



Нақдсиз тўловларга ўтиш айнан бугун бошланган жараён эмас. У сўнгги 5-6 йил давомида босқичма-босқич жорий этиб келинмоқда. Бугун давлат хизматлари, электр энергияси ва газ тўловлари, шунингдек, биллинг тизими орқали кўплаб тўловлар аллақачон нақдсиз шаклга ўтган.



мавзусида тайёрланган тадқиқот натижаларига кўра, нақдсиз тўловларни мажбурий жорий этиш яширин иқтисодиётни ЯИМга нисбатан умумий ҳисобда 3,5-8 фоиз оралиқда қисқартириш имконини беради.

Давлатлар бўйича олганда, нақдсиз тўловлар улуши Норвегияда 98, Буюк Британияда 91, Швеция, Дания ва Финляндияда 90, Австралияда 87 ва Жанубий Кореяда 84 фоизни ташкил қилади.

Хорижий давлатларда ҳам яширин иқтисодиётни қисқартириш мақсадида товар ва хизматлар учун тўловларни нақд пулсиз шаклда амалга ошириш бўйича кўплаб тажриба мавжуд. Масалан, фуқаролар томонидан Испания ва Францияда 1000 евродан ҳамда Грецияда 500 евродан ортиқ қийматдаги тўловлар фақат нақд пулсиз шаклда амалга оширилиши белгиланган.

Бугунги талаблар аҳоли ва бизнес учун нима беради?

Мамлакатимизда молиявий муносабатларнинг нақдсиз шаклига ўтиш, биринчи навбатда, фуқаролар учун тўловни тезкор, тушунарлироқ ва хавфсизроқ амалга ошириш имконини беради. Рақамли тўловларда ҳар бир операция қайд этилади. Бу эса тўлов тарихини шакллантириш, фуқаролар ҳамда бизнес учун ҳолатларда далил базасини яратишга хизмат қилади.

Муҳим жиҳат эса, фуқарога "янги талаб" эмас, балки қулай хизмат етиб бориши, яъни тўлов қилиш осон бўлиши, тасдиқ олиш тез бўлиши, банк ва тўлов инфратузилмаси эса узлуксиз ишлашидир.

Мақсад шуки, банк инфратузилмаси тайёр ҳолатта келтирилиши керак. Токи ёнилги қуйиш шохобчасига келган фуқаро тўлов усули сабабли хизматдан фойдалана олмай қолмасин. Фуқаро бензин олиш учун келдики, бензинини қўйдириб кетиши керак. Унда пластик карта бор-йўқлиги муаммо бўлмаслиги лозим.

Айрим изоҳларда "Марказий банк банклар ёки тўлов ташкилотларини мажбуриятларига" деган қарашлар учрамоқда. Бироқ Марказий банкнинг асосий вазифаси нақдсиз ҳисоб-китоб шаклига ўтиш жараёнини мувофиқлаштириш ва тизим даражасида банк инфратузилмасининг тайёрлигини таъминлашдан иборат. Яъни Марказий банк тўловларни қандай амалга ошириш бўйича тижорат қарорларини белгиламайди.

Банклар ва тўлов ташкилотлари эса, ўз навбатида, истемолчилар — мижозлар ва

фуқаролар учун барча зарур шароитни яратиши лозим. Бу, аввало, тўлов инфратузилмаси — банкоматлар, терминаллар, нақд пулни қабул қилиш ва ҳисоб-китоб механизмлари, шунингдек, қулай рақамли тўлов ечимлари тўлиқ ишлаши деганидир.

Яъни асосий ёндашув бундай: фуқаро хизматдан фойдаланишда қийналмаслиги керак. Бунинг учун барча инфратузилма элементлари олдиндан тайёр ва узлуксиз ишлайдиган ҳолатда бўлиши шарт.

Нақдсиз тўловларга ўтиш айнан бугун бошланган жараён эмас. У сўнгги 5-6 йил давомида босқичма-босқич жорий этиб келинмоқда. Бугун давлат хизматлари, электр энергияси ва газ тўловлари, шунингдек, биллинг тизими орқали кўплаб тўловлар аллақачон нақдсиз шаклга ўтган. Аҳоли амалга ошираётган тўловларнинг катта қисми рақамли каналлар орқали ўтказилмоқда ва бу кўрсаткич йилдан йилга барқарор ўсмоқда. Бу ҳолат жамиятда нақдсиз ҳисоб-китобларга нисбатан ишонч ва одат шаклланиётганини кўрсатади.

"Нега миллий валютадаги нақд пул қабул қилинмапти, бу менинг ҳуқуқим эмасми?"

Ижтимоий тармоқларда шу мазмундаги савол энг кўп берилмоқда. Пул — шакл эмас, қиймат. У нақд ёки рақамли бўлиши мумкин, лекин ҳар иккиси ҳам бир хил миллий валюта. Энг муҳими: пулнигиз — сизники. У картада бўладими ёки нақд кўринишида — фарқи йўқ. Масалан, агар маблағингиз пластик картада бўлса, уни исталган вақтда банккомат орқали нақдлаштириш мумкин. Яъни рақамли пул — бу "бошқа пул" эмас, балки худди шу миллий валютанинг замонавий шаклидир.

Бироқ бу ерда асосий масала пулнигиз шакли эмас, унинг айлиниш механизми ва замонавий молиявий технологияларидадир. Бугун пул шакли ривожланиб бормоқда ва рақамли формат орқали ҳисоб-китоб қилиш тезкорлик, хавфсизлик ва қулайликни таъминлайди.

Коммунал тўловлар бўйича ҳам аҳоли учун қатор амалий қулайликлар яратилган. Хусусан, электр энергияси, газ ёки сув учун тўловларни инфокиосклар, барча тўлов ташкилотлари ҳамда банкларнинг мобил иловалари орқали амалга ошириш мумкин. Бунда пластик карта мавжуд бўлмаган ҳолатларда эса инфокиоскнинг ўзи орқали тўловни тез ва қулай амалга ошириш имконияти мавжуд. Бу эса тўловларни фақат банк бўлимига бориб эмас, балки кундалик ҳаётга яқин ва қулай инфратузилма орқали амалга ошириш имконини беради.

Авалги амалиётда айрим ҳолатларда коммунал тўловларни нақд пул шаклида қабул қилиш учун масъул ходимлар уйма-уй юриб тўловларни йиққан бўлса, энди бундай

амалиётга эҳтиёж бўлмайдди. Бу, бир жиҳатдан, хонадон эгаларини ортиқча безовта қилишнинг олдини олса, иккинчи томондан, нақд пулни йиғиш билан боғлиқ ташкилий ва молиявий харажатлар камаяди.

Масалан, аҳолининг газ ва электр истемол учун тушумлар 2025 йилда 23,5 триллион сўмини ташкил этиб, 2024 йилдаги (16,5 триллион сўм)га нисбатан 42,7 фоиз ошишига эришилган. Бу эса коммунал хизмат учун нақд пулсиз тўловларнинг жорий этилиши тушумлар тўлиқлигини таъминлашга имконият яратётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, мамлакатда рақамли тўловлар инфратузилмасининг ривожланиши йирик рақамли экотизимлар мисолида ҳам кўзга ташланмоқда. Жумладан, маркетплейс мобил иловалари ҳамда рақамли банклар ва мобил иловалар доирасида онлайн савдо, тўловлар, пул ўтказмалари, коммунал ҳисоб-китоблар, бўлиб тўлаш ва бизнес учун масофавий молиявий хизматлар ўзаро уйғунлашиб бормоқда. Натжидада аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун молиявий хизматлардан фойдаланиш жараёни соддалашиб, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг тезлиги, қулайлиги ва оммабоплиги ортмоқда.

Анъанавийликдан замонавийликка

Марказий банк ушбу жараёнда фақат тартибга солувчи эмас, балки амалий инфратузилма яратувчи ва мувофиқлаштирувчи сифатида иштирок этмоқда. Сўнгги йилларда банк сектори анъанавий молиявий институт моделидан босқичма-босқич рақамли платформаларга ва экотизим моделига ўтмоқда. Бу эса молиявий хизматларнинг фақат банк биноси доирасида эмас, балки фуқароларнинг кундалик турмушга чуқур интеграциялашаётганини аниқлатади.

Айни пайтда кўчмас мулк ва автомобиль олди-сотдиси бўйича амалий операциялар модели — эскроу ҳисобовари тизими ҳам изчил йўлга қўйилмоқда. Эскроу ҳисобовари тизими кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари олди-сотдисида тўловларнинг хавфсиз ва шаффоф амалга оширилишини таъминлайдиган муҳим механизмдир. Ушбу тартибга кўра, харидор банкка мурожаат қилиб, эскроу ҳисобоварини очди ва маблағни нақд ёки нақдсиз шаклда ушбу ҳисобоварга киритди. Нотариус битимни тасдиқлагандан сўнг банк маблағни сотувчига ўтказди. Агар битим тузилмаса ёки бекор қилинса, пул харидорга қайтарилади.

Бу тизим томонлар манфаатини ҳимоя қилади, ҳисоб-китобларда ишончнинг ошириши ва битимларнинг ҳуқуқий аниқлигини таъминлайди. Шу билан бирга, хизмат ҳам фуқаролар учун чекланган миқдорда белгиланган. Кўчмас мулк учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан (амалда 206 минг сўм), автотранспорт воситалари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизидан (амалда 103 минг сўм) ошмайди. Битим бекор қилингандан эса маблағни қайтариш учун комиссия ундирилмайди.


Амалётда ушбу тизимни қулай жорий этиш мақсадида 1130 га яқин нотариус банк тизимига бириктирилди. Банк ходимларини ўқитиш, автомобиль бозорлари яқинида банк хизматларини кенгайтириш ҳамда дам олиш кунлари ҳам хизмат кўрсатиш бўйича чоралар кўрилди.

Ҳар қандай ислохотнинг муваффақияти нафақат техник ва ҳуқуқий тайёрликка, балки аҳолининг хабардорлиги ва янги тизимдан фойдаланиш даражасига ҳам бевосита боғлиқ. Шу бос, Марказий банк тегишли вазирлик ва идоралар, ҳудудий тузилмалар ҳамда тижорат банклари билан ҳамкорликда кенг қўламли тушунтириш ва тарғиботлар ўтказмоқда. Жойларда аҳоли, тадбиркорлар, маҳалла вакиллари, ижтимоий соҳа ходимлари ва бошқа кўчма эшмалқдорлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Саволларга жавоб берилмоқда, янги тартиб моҳияти содда, раван тушунтирилмоқда.

Юнус БҲУРОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Нуктаи назар

Яқин кунларда пилла етиштириш жараёни бошланади. Халқ орасида "пилла — тилла" деган ибора кўп қўлланади. Бу жумла пилланинг моддий қадри ва уни етиштиришдаги мушкул, сабр ва интизом талаб қилувчи меҳнатни эъзозлайди. Ипак куртини боқиш, уруғини тайёрлаш, парвартиш ва терим ишлари ҳар бир босқичда эътибор ва масъулиятни талаб этади.



ИПАКЧИЛИК:

ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАР ИҚТИСОДИЁТ УЧУН МУҲИМ ИМКОНИЯТ

Ҳар бир тўздор, ҳар бир уруғ ва ҳар бир терим қадами халқ ҳаётининг бир бўлагига айланиб, авлодлар орасида меҳнат тарбияси ва сабрни мустаҳкамлайди. Ипак етиштирувчилар бу жараён орқали фақат даромад топиш билан чекланмай, меҳнат ва интизомни, шунингдек, авлодларга хунармандчилик анъаналарини ўргатади.

Ушбу саноат асрлар давомида аҳолининг турмуш даражаси ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаб келган. Ҳар бир қишлоқ ва оилада пилла етиштириш орқали болалар таълим олади, оилавий даромад ва ҳаёт сифати кўтарилади. Шу билан бирга, миллий анъаналар ва хунармандчилик мероси сақланади.

Пилла етиштириш жараёнининг қийинлиги ва мавсумийлиги соҳа аҳлини тўхтатмайди. Юртимизнинг турли ҳудудда ипак куртини боқиш билан шуғулланувчи

фуқаролар сони йилдан йилга ортиб, соҳанинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятини кўрсатмоқда. Шунингдек, пилла жаҳон бозорида энг қадрли маҳсулотлардан бири сифатида баҳоланади ва киймати ошиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 мартдаги "Ипакчилик соҳасини янги тизим асосида ривожлантириш ҳамда озуқа базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори жаҳонда амалга оширилган масалаларга янгича ёндашуви тақдими этди. Қарор орқали пилла ва ипакчилик соҳасини ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилашга қаратилган муҳим чоралар белгиланди.

Хужжатда кластерлар тизимини рағбатлантириш бўйича белгилаб берилган солиқ имтиёзлари соҳа учун янги давр бошланганини кўрсатади. Мол-мулк ва ер солиқларидан озод қилиниши пилла етиштирувчиларнинг маъмурий юки сезиларли даражада енгиллашшига ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, кичик ва ўрта қишлоқ хўжалиги кластерларини шакллантириш ва узлуксизлаштириш рағбатлантиришга хизмат қилади. Қолаверса, 4 "А" ва ундан юқори сертификатга эга корхоналар учун фойда солиғи ставкасини 2 фоиз даражасига тушириш тақлиф этилган сифат ҳамда экспорт йўналишида иш юритувчи корхоналар учун катта стимулдор. Шу муносабат билан солиқ юки камайтирилиши орқали тадбиркорларнинг инвестиция қилиши қобилияти юқори даражага кўтарилади.

Ипак курти уруғини етиштириш билан шуғулланувчи ташкилотлар учун ҳам муҳим ижтимоий йўналишдаги қулайликлар назарда тутилган. Қарорга кўра, мавсумий ишчиларини ишга олганда улардан даромад солиғини ундирилмаслик белгиланмоқда. Бу ишчи ходимлар учун қўшимча молиявий имконият яратади, уларнинг меҳнатига ижобий муносабатни мустаҳкамлайди ва соҳага қизиқишни оширади. Ўз навбатида, бундай муносабат иш берувчилар учун ҳам муҳим: мавсумий меҳнат ресурсларига эҳтиёж мунтазам қопланади, ва ишчиларнинг ўзинга хос ижтимоий ҳимояси таъминланади.

Бундан ташқари, кластер иштирокчилари учун зарур ускуналар, техника ва парвартиш воситаларини сотиб олиш мақсадида базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача

бўлган маблағ тўла фозисиз кредит шаклида 3 йил муддатга берилади. Бу механизм турли масофадаги ва молиявий имконияти чекланган фермерлар ҳамда кичик бизнес учун йирик иқтисодий имкониятларни очди. Анча олдин кредит олиш қийинлиги ёки катта фозиз мажбурияти кўпчиликни диққат қилган бўлса, энди бундай тўсқин бартафари этилиб, кластер аник режалар билан ривожланиш имкониятига эга бўлади.

Уруғчилик корхоналарига ҳам ишчи кучини жалб этишга доир янги чоралар қилинган. Қарор билан ипак курти уруғларини тайёрлашга жалб этилган ҳар бир мавсумий ишчи ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача, аммо меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича энг кам миқдорнинг икки бараваридан ошмайдиган қисми давлат томонидан компенсация қилиниши

белгиламмоқда. Мазкур механизмлар меҳнат бозоридagi мувозанатни сақлаш, миллий кластерлар ривожини қўллаб-қувватлаш билан бирга қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

— Ўтган йили республикада 30 минг тоннадан ортиқ пилла етиштирилди. Бу кўрсаткич кейинги йилларда янада ошиши кутилмоқда. 2030 йилга қадар мамлакатда 200 миллион тул тут қўчати экиш режалаштирилган. Шунингдек, 3000 гектар майдонда янги тўздорлар барпо этиш орқали 6000 камбағал оилани пилла етиштириш жараёнига жалб қилиш кўзда тутилган, — дейди "Ўзбекиксанобат" уюшмаси бошқарма бошлиғи Азимжон Ботиров. — Соҳа ривожига озуқа базасига боғлиқлиги ҳисобга олинган. Янги барпо этилган тўздорларда томчилаб сугорили тизими жорий қилинган ва ҳар бир гектар учун 8 миллион сўмга субсидия ажратилади. Майдон икки гектар ва ундан катта бўлган тўздорларда қудуқлар, насос станциялари ва сув иншоотларини ташкил қилиш учун 150 миллион сўмга субсидия берилиши белгиланган.

Давлат томонидан жорий этилган солиқ ва молиявий имтиёзлар, жумладан, субсидия ва имтиёзли кредитлар соҳани модернизация қилиш ва кластерлар орқали узлуксиз иқтисодий фаолиятни таъминлаш имконини беради.

Янги тўздорларни барпо этиш ва мавсумий ишчиларнинг меҳнатини қўллаб-қувватлаш чоралари қишлоқ аҳолисининг даромадини ошириш, ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш ҳамда пилла етиштиришга қизиқишини янада қучайтиришга хизмат қилади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Инсон қадри учун

Эндокрин касалликлар орасида қалқонсимон без, қандли диабет дунё бўйлаб кенг тарқалаётгани сир эмас. Гормон ишлаб чиқариш фаолиятининг бузилиши билан кечадиган бу хасталик танадаги деярли барча тизимга салбий таъсир кўрсатади. Юрак-қон томир касалликлари, диабет, бепуштлиқ, асаб тизими ва руҳий ҳолатнинг ёмонлашиши, вазн ортиши ёки камайиши, остеопороз ва ҳатто ногиронлик ёки ўлимга олиб бориши мумкин.

МАҲАЛЛА – ТИББИЁТ – ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Эндокрин касалликларни аниқлашда қўл келади

Мамлакатимизда эндокрин касалликларни эрта аниқлаш, профилактикасини таъминлаш ва даволашга катта эътибор қаратилмоқда. Такомиллаштирилган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, жумладан, катталар орасида қандли диабетни эрта аниқлаш кўрсаткичини 70 фоизгача ошириш, қандли диабет касаллиги бор беморларни даволаш қамровини 100 фоизга етказиш вазифаси белгиланган.


Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда унинг ҳудудлардаги филиаллари, диспансер ҳодимлари, туман эндокринологлари иштирокида ўтган йили 445 маҳалла фуқаролар йиғинида 40 ёшдан ошган аҳоли орасида қандли диабетни эрта аниқлаш мақсадида скрининг текширувлари ўтказилди. Жараёнда 4263 юрдошимизда илк бор қандли диабет, 11 минг 682 нафаридида қандли диабет ҳолати, 14 минг 260 нафаридида семизлик ва 43 минг 316 нафаридида ортиқча вазн аниқланган. Шу боис, бу борадаги тарғибот ишлари жонлантирилди. Мобил эндокринолог хизмати жорий қилинди. Бу эса ўзи шартлида шифокор ва лаборатория хизматини кўрсатиш имконини бериб беморлар учун катта қулайлик яратди. Марказнинг 12 филиалида шифокорлардан махсус тренералар тайёрланди. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланишни тарғиб қилувчи лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Маҳаллаларда скрининг текширувларининг фойдаси ва аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини жорий этишни аҳолига тушултирилди. Тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик бўйича тавсия ва кўрсатмалар бериб боришмоқда.

— Мисол учун, қандли диабет иккинчи турунинг чекиншида инсоннинг соғлом турмуш тарзи тамойилларига амал қилиши жуда муҳим, — дейди тиббиёт фанлари доктори Севара Фахриддинова. — Янги аниқланган қандли диабет иккинчи тури кўп ҳолларда семизлик ва нотўғри овқатланиш билан боғлиқ. Бу ҳолатда тана инсулинини тўғри ишлашга олмайдди. Агар ортиқча вазн йўқотилса, соғлом овқатланиш ва ҳаракат ҳаёт тарзига айланса, қандли диабет иккинчи тури ремиссияга, яъни вақтинча йўқолишига қиради. Бу шунинг аниқлиги, қандли диабетнинг меърига ташуни, белгилар йўқолиши, дори керак бўлмалиги мумкин. Тадқиқотларга кўра, 10-15 фоиз тана вазнидан халос бўлган инсонларда қандли диабет иккинчи тури ремиссияси эҳтимоли жуда

юқори бўлади. Аммо оғирлик яна ортса, афсуски, қандли диабет иккинчи тури қайтади. Бу ҳолатда бутунлай тузалиш эмас, аммо назорат остида узоқ давом этадиган соғлом ҳолатга қайтиш имконияти бор. Ҳар биримиз бошлашимиз мумкин бўлган энг муҳим қадам ҳаракат ва овқатланиш одатларимизни ўзгартиришдир.

Қандли диабет иккинчи турига чалинган беморлар учун терапевтик ўқитиш миллий



УШБУ МАҚОЛАНИ
КОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

мактаблари ташкил этилаётган. Ҳудудий эндокринология диспансерлари ва оилавий поликлиникалар хузурида фаолият юритадиган ушбу мактабларда оилавий шифокорлар тасдиқланган даволаш алгоритмлари асосида беморларга ортиқча вазн, диабет олди ҳолати ва диабетни бошқаришни ўргатади. Ҳаёт сифатини ошириш мақсадида беморларга касаллик моҳияти, овқатланиш тартиби ва жисмоний фаоллик ҳақида тушултириш берилади. Қондаги қанд миқдорини назорат қилиш орқали ўқитиш ва сурункали асоратларнинг олдини олиш, ўзини ўзи назорат қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсад қилинган.

— Ўтган йили бу борада сезиларли натижаларга эришдик, — дейди Академик Ё.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор Анвар Алимов. — Биргина марказнинг ўзида 36 турдаги ташхислаш ва даволаш усули ўзлаштирилган бўлса, филиалларда

66 хилдаги диагностика, 45 турдаги даволаш усули йўлга қўйилди. Туманларда 45 хил диагностика ва 42 турдаги даволаш усуллари ўзлаштирилди. 2025 йили муассасамизда 1400 дан зиёд жарроҳлик амалиёти бажарилди. Марказимизда 23 давлатнинг 3200 дан зиёд фуқароси даволанган. Теле-тиббиёт ёрдамида маҳаллий шифокор ва беморлар билан 500 га яқин маслаҳатлашув ўтказилган. Шунингдек, марказ томонидан эндокрин касалликларни бошқаришда 6 та асосий нозология (қандли диабет, семизлик, қалқонсимон без касалликлари, остеопороз, метаболик синдром, эндокрин гипертензия) бўйича беморни йўналтиришнинг ягона концепцияси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Шу каби саъй-ҳаракатлар боис, дастлаб марказ ISO 9001: 2015 мувофиқлик сертификатини олган бўлса, ўтган йили Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Наманган филиалларига ана шундай сертификатлар топширилди.

— Жорий йилдаги мақсадларимиз анча залворли, — дейди Анвар Алимов. — Республика бўйича скринингдан ўтказилган 45 ёшдан ошган аёллар орасида менопауза билан боғлиқ эндокрин касалликлар бўйича тизим яратилади. Унинг доирасида оилавий шифокор ва дояра учун ўқув дастурлари, бемор аёллар учун қўлланмалар ишлаб чиқилади. Мамлакат бўйлаб йод танқислигининг эпидемиологик мониторингини ўтказиш бу йилдаги энг муҳим вазифаларимиздан. Айни пайтда барча ҳудудда янги 4 та диагностика ва 2 та даволаш усулини жорий қилиш ҳаракатида-миз. Йил давомида марказимиз ва филиаллар фаолиятига сунъий интеллект, илгор рақамли технологияларни кенг татбиқ этамиз. Бу билан тиббий хизмат сифатини ошириш, бошқарув қарорларини тезкор ва аниқ қабул қилиш, тиббиёт ҳодимлари иш самарадорлигини оширишни кўзлаганмиз.

Муассаса клиникаси ва филиалларда “Рақамли ситуацион марказ”лар ташкил этиш кўзда тутилган. Қолаверса, жорий йил январда марказда 2 та тиббий қурилма сунъий интеллект ёрдамида дастурлаштирилган. Бу яқин орада тиббий қурилмалар олинган маълумотларни автоматик таҳлил қилиш, инсон омили билан боғлиқ хатоларни камайтириш, шифокорлар ташхис қўйишига сарфлайдиган вақтни қисқартириш ҳамда бемор билан тўғридан тўғри мулоқотга ажратилмайдиган вақтнинг кўпайишига хизмат қилади.

Натижада марказ ва филиалларда рақамли бошқаруving ягона тизими шаклланди, — дейди Анвар Алимов. — Сунъий интеллект фаолиятимизнинг муҳим қисмига айланди. Тиббий хизмат сифати янада оширилди. Эндокринологик ёрдам, скрининг текширувлари янада тезкор, аниқ ва самарали бўлади. Маҳалла — тиббиёт — рақамли технология интeгpацияси йўлга қўйилди. Умуман, соҳани халққа яқинлаштириш, ихтисослашган тиббий хизматни қуйига тушириш, пировадда аҳолини тиббиётдан рози қилиш асосий мақсад сифатида белгиланган.

Р. МАДИЕВА,
журналист

рлар томонидан рақамли мониторинг тизими орқали индивидуал йўналиш бўйича тегишли бўлимларга йўналтирилади. Мазкур тизим “рақамли бемор йўли” концепциясига асосланган. У хизмат кўрсатиш тезлиги ва аниқлигини сезиларли даражада оширади. Ташхис қўйиш жараёни кўп босқичли аналитик модель асосида амалга оширилади. Аввало, даволовчи шифокорнинг клиник ҳулосаси олинади. Сўнг беморнинг барча лаборатор ва инструментал маълумотлари сунъий интеллект тизимига узатилади. Мазкур тизим 5 та мустақил AI шифокор модулидан иборат. Ҳар бири турли алгоритмик ёндашувлар асосида таҳлил қилади. Якуний ташхис сунъий интеллектнинг консенсус модели орқали шакллантирилади. Бу ёндашув далилларга асосланган тиббиёт тамойилларини амалиётга чуқур интeгpациялашга хизмат қилади.

AI шифокор тизими барча турдаги лаборатор анализлар, радиологик тасвирлар, клиник белгилар ва маълумотларни комплекс таҳлил қилади. Бу шифокор ташхисини аниқлаштирилади, дифференциал ташхисни кенгайтиради. У энг самарали даволаш йўлини таклиф этади. Натижада диагностика хатолар камаювди. Клиник қарор қабул қилиш сифати ошиб, индивидуаллашган даволаш модели жорий этилди. — “Ақлли” шифохонада олий ҳамширалик иши йўналиши талабаларини тайёрлайдиган инновацион ўқув-амалий марказ ташкил этилди, — дейди Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кафедраси мудири Иродахон Имомхонова. — Бу ерда талабалар муҳим кўникмаларни ўзлаштирилади. Ҳамширалик фаолиятида клиник қарор қабул қилиш, бемор паравариши алгоритмлари, симуляцион тренинглари ва рақамли мониторинг тизимлари билан ишлаш шулар жумласидан. Италия билан ҳамкорлик доирасида ташкил этилган ушбу марказда таълим Европа стандартлари асосида ишлаб чиқилган. Унда дуал таълим модели қўлланилиб, талабалар назарий билимларини клиник муҳитда амалиёт билан интeгpациялашган ҳолда ўзлаштирилади. Бу эса янги авлод ҳамшираларини тайёрлашга хизмат қилади.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Бугуннинг гапи

Шифохонада иш қизғин, ҳаёт қайнамоқда. Кимдир ҳавотир билан яқинларининг саломатлиги ҳақида хабар қутяпти. “Тез ёрдам” машиналари тинмай қатнайди. Улар яна қайсидир оғир аҳволдаги беморни ишончли қўлларга топширяпти. Жонлантириш бўлимида кимлардир ҳаёт билан курашаётган бўлса, қайсидир палатада саломатлиги яхшилланган беморлар шифокорлардан миннатдор, оиласи бағрига қайтишни интизорлик билан кутяпти. Саломатлик посбонлари эса ўзини ҳам унутиб, беморларни соғлом ҳаётга қайтариш учун бор билими ва маҳоратини намойиш этапти. Республика шoshiлич тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиалида ҳар куни ана шундай жараёнларни кузатиш мумкин.

ИЛМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Филиал биноси 2023 йил мукамал таъмирланди. Муассасанинг инфратузилмаси замонавий талаблар асосида янгилашиб, беморлар ва тиббиёт ҳодимлари учун янада қулай шароит яратилди. Янги тиббий бўлимлар ташкил этилди. Хусусан, ангиография, юрак-қон томир хирургияси бўлими, шунингдек, хирургик реанимация бўлими фаолияти йўлга қўйилди. Айниқса, бутун юрак-қон томир касалликлари тобора яшариб, дунё кардиологларини ташвишга солимоқда. Шундай пайтда ангиография бўлими ташкил этилгани, хоризжда малака ошириб қайтган мутахассисларнинг тиббий хизмат кўрсатаётгани беморларни ўз вақтида текширувдан ўтказиш, ташхис қўйиш ва даволаш, жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконини беради.

— Ҳозир филиалимизда юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларни тезкор қабул қилиш, ташхислаш ва даволаш учун барча шароит яратилган, — дейди жарроҳ Шарифжон Низомов. — Бунинг учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий технологиялар олиб келинган. Мутахассисларнинг хоризжда малака ошириб, таъриба тўплаб келиши ҳам айни мудида бўлмоқда. Бу борада ҳам зарур шароит яратилган. Ўзим 2021-2023 йилларда Россия халқлар

қолаверса, юрак инфаркти, инсултини бошидан ўтказган беморларда касаллиқнинг салбий ва хавфли оқибатларини камайтириш мақсадида кардиологлар жамоаси тадқиқотлар ўтказмоқда. Филиалда кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида устоз-шогирд анъанаси ҳам йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари тиббиётни қўйи тизимдан бошлаб ривожлантириш, аҳолига яқинлаштириш борасида аниқ вазифаларни берган, жумладан, пойтахтда фаолият юритган таъриба оли мутахассисларни вилоятларга раҳбар сифатида юбориш ташаббусини илгари сурган эди. Бу таъриба қисқа муддатда самара бера бошлади. Биргина Республика шoshiлич тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиалида 2023 йилдан бошлаб катта ўзгаришлар ва натижаларга эришилди. Ҳа-то фақат пойтахтда амалга ошириш мумкин бўлган жарроҳлик амалиётларини вилоятда ўтказиш йўлга қўйилди.

— 2023 йили филиалда 4009 та жарроҳлик амалиёти ўтказилди, — дейди Республика шoshiлич тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали директори ўринбосари Муртазо Хожоев. — Уларнинг 1536 таси юқори технология амалиётларидир. 13 минг 489 бемор стационар шароитда даволанди. 2024 йили жарроҳлик



дўстлиги университети (РУДН)нинг ординатура босқичида ўқиб, уч йил амалиётда малака оширдим. Ҳозир ушбу марказда ҳам мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиб, беморларга соғлом ҳаётга қайтишига кўмаклашмоқдамиз. Муҳимин, энди бундай жарроҳлик амалиёти учун хоризжда бориш шарт эмас.

Марказда кадрларнинг илмий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. 2023 йилга қадар унда 2 нафар тиббиёт фанлари номзоди фаолият юритар эди. 2023-2025 йилларда 15 шифокор тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини муваффақиятли ёқлади. Шунингдек, 2 нафар кафедра доценти тайёрланди. Кардиолог Лазиза Шодиева ҳам имкониятлардан фойдаланиб, тиббиётдаги долзарб мавзу — юрак касалликлари бўйича илмий изланишга қўл урган.

— Филиалимизда юрак-қон томир, инфаркт ва инсулт касалликларининг олдини олиш бўйича қатор ишлар бажарилмоқда, — дейди кардиолог Лазиза Шодиева. — Яқинда алоҳида кардиожарроҳлик бўлими очилиши кутуляпти. Айни вақтда кардиология йўналиши бўйича илмий тадқиқот ўтказялман. Марказимизда илмий салоҳиятли ходимлар йилдан йилга кўпаймоқда. Ҳозир 30 га яқин илмий ходим ишлаяпти. Олти нафар ёш ҳамкасбимиз илмий ишнинг ёқлаш арафасида. Тез орада улар ҳам салоҳиятли ходимлар сафидан жой олади.

2026-2028 йиллар учун яна 8 нафар шифокор тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, 2 нафар мутахассис эса тиббиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун илмий тадқиқотлар билан машғул. Юрак-қон томир касалликларининг хавфлилик даражаси юқори. Шу боис, унинг олдини олиш, эрта аниқлаш, самарали муолажа қилиш,

амалиётларининг сони 4021 тани ташкил этади. Шулардан 1734 таси замонавий юқори технологик амалиётлар. Ушбу даврда филиалда 12 минг 980 нафар беморга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. 2025 йилда эса операциялар сони янада ошиб, 4080 гага етди. 13 минг 78 бемор филиалда даволаниб, соғлом ҳаётга қайтди. Ушбу кўрсаткич муассасада замонавий тиббий хизматлар ҳамда сифати йил сайин ортиб бораётганини яққол кўрсатади.

Шунингдек, 2025 йил апрелдан бошлаб филиалда қўшимча равишда пулли тиббий хизматлар ҳам йўлга қўйилди. Қисқа муддатда ушбу хизмат турлари бўйича 245 та операция бажарилди. Бу аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар турини кенгайтириш, имкониятларини янада ошириш ва муассасанинг хизмат кўрсатиш салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Буйрак етишмовчилиги билан оғирган ва унинг сўнгги босқичида яшаётган беморлар учун гемодиализ муолажаси ўта муҳим. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундай беморларга қулайлик яратиш мақсадида филиал замонавий ўскуналар билан таъминланган ва бепул муолажа олиш имконияти яратилган.

Тартиб-интизом, сифатли тиббий хизмат билан бир қаторда, тозалик ва саранжомлик ҳам бор жойда саломатлик бўлади. Шундан келиб чиқиб, филиалда обдонлаштириш ва кўкчалмзорлаштириш ишлари доим эътиборда. Айниқса, чиқиндиҳонага айланган майдон тозаланиб, автотураргоҳга айлантирилди. Бу автомашиналар қатновида тартибни таъминлаб, “тез ёрдам” машиналарининг ҳаракатида қулайлик яратмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Саломатлик



“Ақлли” ШИФОХОНА

Беморларга сифатли хизмат тақдим қилмоқда

Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида “ақлли” шифохона иш бошлади. Замонавий кўп тармоқли клиника ўзига хос қулайлик ва имкониятларга эга.

Фаргонадаги 2-шаҳар шифохонаси негизда барпо этилган мазкур клиника соҳадаги ислохотлар самараси ўлароқ вуқудга келди. Унда аҳолига қулай ва замонавий хизмат турлари тақдим этилмоқда. Клиника тўлиқ сунъий интеллект технологиялари билан янջоқланган. У илк комплекс Smart AI шифохоналардан биридир. Унда умумий терапия, хирургия, анестезиология ва реанимация, қабул — диагностика, физиотерапия бўлиmlари бор.

Палаталардаги ётоқ қароватлар 3 функцияли пульс орқали бошқарилади. Ҳамширалар билан боғланиш учун электрон чакирув “Nurse Call System” панеллари ўрнатилган. Йўлақлардаги йирик мониторлар орқали барча мурожаатлар онлайн кузатиб борилади. Бемор мурожаат қилган пайтда унинг палатаси эшиги устида визуал сигнал (қизил индикатор) ёқилади. Бу эса тезкор реакция механизмини таъминлайди. Қолаверса, санитария хоналаридаги SOS тугмалар фавқулодда ҳолатларда дарҳол тиббий ходимларни жалб қилиш имконини беради.

— Smart AI шифохонамизда беморларнинг мурожаатидан бошлаб даволанишигача



